

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМЛИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЭШКАБИЛОВА СУРАЙЁ ТУРАЕВНА

**ЭНЕРГЕТИК ИЧИМЛИКЛАР ТАЪСИРИДА БОШ МИЯ
ТЎҚИМАСИДАГИ МОРФОФУНКЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАР ВА УНИ
КОРРЕКЦИЯЛАШ УСУЛЛАРИ**

14.00.02 – Морфология

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Эшкабилова Сурайё Тураевна

Энергетик ичимликлар таъсирида бош
мия тўқимасидаги морфофункционал
ўзгаришлар ва уни коррекциялаш усуллари.....3

Эшкабилова Сурайё Тураевна

Морфофункциональные изменения
ткани головного мозга под влиянием
энергетических напитков и методы её коррекции.....25

Eshkabilova Surayo Turaevna

Morphofunctional changes in brain tissue under
the influence of energy drinks and methods for its correction.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....51

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМЛИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЭШКАБИЛОВА СУРАЙЁ ТУРАЕВНА

**ЭНЕРГЕТИК ИЧИМЛИКЛАР ТАЪСИРИДА БОШ МИЯ
ТЎҚИМАСИДАГИ МОРФОФУНКЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАР ВА УНИ
КОРРЕКЦИЯЛАШ УСУЛЛАРИ**

14.00.02 – Морфология

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Tib2646 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб саҳифасида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Орипов Фирдавс Суръатович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Хасанова Дилноза Ахроровна
тиббиёт фанлари доктори (DSc)

Шатманов Суйнали Токтоназарович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Жанубий Қозоғистон тиббиёт академияси
(Қозоғистон Республикаси)

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Гиждувон кўчаси, 23-уй, Веб-сайт: www.bsmi.uz, E-mail: info@bsmi.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Гиждувон кўчаси, 23-уй, Веб-сайт: www.bsmi.uz, E-mail: info@bsmi.uz).

Диссертация автореферати 2024 йил «_____» _____ кунни тарқатилди.

(2024 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Ж. Тешаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Қ. Дўстова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

А.Р. Облоқулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда бутун дунё бўйлаб энергетик ичимликлар кенг тарқалган. Айниқса бу энергетик ичимликлар ХХІ асрнинг 2000-йилларида машҳур бўлди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти “дунёда вояга етмаган ўсмирларнинг энергетик ичимликни кўп истеъмол қилишаётгани ташвишланарли ҳол эканлигини...”¹ таъкидлаб, бу келажақда умумжаҳон соғлиқ сақлаш ташкилотининг жиддий муаммосига айланиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилди. Оммавий ахборот воситаларида юқори концентрацияга эга бўлган кофеинли, алкоғолли энергетик ичимликлар истеъмол қилган шахсларда ёки уларни спиртли ичимликлар билан аралаштириб истеъмол қилгандан сўнг ёшлар ўртасида ўлим ҳолатлари кузатилганлиги ҳақида хабарлар пайдо бўлди. Энергетик ичимликлардаги кофеин ва таурин даражаси баланд бўлгани учун улар кўп миқдорда истеъмол қилинганда асабийлик, ташвиш, безовталиқ ва ҳатто депрессияни кучайтириши мумкин. Энергетик ичимлик истеъмолининг оптимал миқдорини белгилаш, шунингдек, ортиқча истеъмол қилинган тақдирда ножўя таъсирларнинг юзага келишини камайтирилиши бўйича тадқиқотлар ўтказилиши ҳам муҳим ҳисобланади. Шу муносабат билан бош мия тўқимасининг функционал ва органик бузилишлари билан боғлиқ касалликларни олдини олиш, ташҳислаш ва даволаш тамойилларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш бўйича тадқиқотларни ўтказиш замонавий тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

ЖССТнинг Эстония бўлими мутахассислари “Frontiers in Public Health” журналида тадқиқот натижаларини эълон қилдилар, унга кўра Европада катталарнинг 1/3 қисми, ҳар бешинчи бола ва ўсмирларнинг 2/3 қисми энергетик ичимликлар ичишади. Катталар кофеин истеъмолининг атиги 8 фоизини улардан олсалар, болалар 43 фоизни ташкил қилади. Шунинг учун олимлар кофеин билан захарланиш хавфи ҳақида огоҳлантирадилар, бу болаларда катталарга қараганда кўпроқ кузатилади. Бундан ташқари, 18 ёшдан 29 ёшгача бўлган ёшларнинг 70 фоизи алкоғол билан аралаштирилган энергетик ичимликлар ёки таркибида алкоғол бўлган энергетик ичимликлар ичишади. Энергетик ичимликлар бозорда биринчи марта 1980-йилларда пайдо бўлган. Бу ичимликлар вақтинчалиқ организмга қувват ва куч бериб, уйқуни қочиради, кишининг кайфиятини кўтариб, фаоллигини оширади. Бугунги кунда олимлар ва мутахассисларнинг фикрларида кўплаб қарама – қарши эътирофлар мавжуд. Баъзилар энергетик ичимликларни оддий газланган сувга ўхшаш мутлақо зарарсиз деб ҳисоблашади, айрим одамлар эса аксинча, энергетик ичимликлар наркотик моддалар каби таъсир этишини ва унга боғланиб қолиш ҳолатлари кузатилишини таъкидлайдилар.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, хусусан, асаб тизимининг функционал ва органик фаолиятини бузилиши касалликлари ва унинг асоратларини камайтириш, шунингдек, касалликнинг даволаш

¹ Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, 2014

усулларини такомиллаштириш ва олдини олишга қаратилган кенг қамровли чора тадбирлар амалга оширилиб муайян натижаларга эришилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларда янги Ўзбекистонни ривожлантиришнинг тараққиёт стратегиясидаги етти устувор йўналишлари бўйича «...аҳоли заиф тоифаларининг тўлақонли ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида тиббий–ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш...»² каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда каламушлар бош мия тўқимаси тузилишининг қиёсий морфологик ва морфометрик таҳлили, нерв хужайраларининг ядросининг цитоплазмага нисбати солиштирма таҳлили, нейронларнинг сони, экспериментал шароитда морфофункционал ўзгаришларини ноинвазив лаборатор таҳлиллари ёрдамида баҳолаш ва таққослаш ёрдамида бош миянинг турли генезли касалликлари профилактикасини ишлаб чиқиш, даволаш тадбирларини такомиллаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 – сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий–санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари. 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича кўшимча чора тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2023 йил 11 сентябрдаги ПҚ-300-сон «Ўзбекистон – 2030 стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора – тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. XXI асрда инсон асаб тизимида кўзғатувчи таъсир кўрсатадиган энергетик ичимликларнинг кенг тарқалганлиги, айниқса ёшлар ўртасида тобора долзарб бўлиб бормоқда. Ҳозирги вақтда мактаб ўқувчилари, талабалар, ҳамда ақлий ва жисмоний меҳнат билан шуғулланувчи кишилар иш ёки ўқиш пайтларида, асосан кўп истеъмол қилишади. Энергетик ичимликларнинг машҳурлиги ва ўсмирлар ва ёшлар орасида уларни ҳаддан ташқари истеъмол қилишнинг тез ўсиши умумий саломатлик ва фаровонлик билан боғлиқ жиддий ташвишларни

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60 сонли Фармони

келтириб чиқаради. Энергетик ичимликлар алкоголь, тамаки ва гиёҳванд моддалардан кейин бир қаторда турувчи ёмон одатларнинг янги брендидир. Шу учтадан фарқли ўлароқ, энергетик ичимликлар ва уларнинг инсон организмига таъсир қилиш механизми етарлича ўрганилмаган.

Жаҳон олимлари томонидан энергетик ичимликларнинг организмга, жумладан бош мия морфофункционал ҳолатига таъсири долзарб муаммолар сифатида ўрганилиб келинган бўлиб, ушбу муаммони ҳал қилиш бўйича илмий изланишлар олиб борилган. Энергетик ичимликлар, айниқса ўсмирлар орасида, хушёрликни сақлаш ва энергияни ошириш учун тобора кўпроқ истеъмол қилинмоқда (Azagba S. et al., 2014). Кўплаб муаллифлар кофеинли энергетик ичимликлар мияга стресс, кўзғалувчанлик, бош оғриғи ва чарчоқ каби салбий таъсир кўрсатишини таъкидладилар (Guilbeau J.R., 2012). Бошқалар депрессия, уйқу бузилиши ва асабийлашиш каби кўпроқ ножўя таъсирлар ҳақида хабар беришган (Ishak W.W. et al., 2012; Seifert S.M. et al., 2011).

Энергетик ичимликлар қабул қилгандан кейин истеъмолчиларда тажовузкор хатти-ҳаракатлар, буйруқларга бўйсунмаслик ва уйқусизлик пайдо бўлишини қайд этилган (Toblin R.L. et al., 2018). Энергетик ичимликларнинг инсон организмига мумкин бўлган салбий таъсирлари ҳақида маълумотлар мавжуд (Пометов Ю.Д. ва бошқ., 2004).

Энергетик ичимликларни истеъмол қилиш бир қатор ножўя оқибатларга тутқаноқ, хавотирланиш ҳиссининг ортиши, ортиқча кўзғалиш, уйқусизлик, галлюцинациялар, мигренлар, бош оғриғи, ошқозон-ичак касалликлари, кислотанинг ортиб кетиши, кўкрак оғриғи ва бошқа юрак-қон томир аъзоларининг ёмон асоратли касалликларни келтириб чиқариши каби кўплаб салбий оқибатлар билан боғлиқ (Темпл Дж. Л., 2009; Clauson K.A. et al., 2008; Higgins J.P. et al., 2015). Кофеин ва тауриннинг олигодендроцитлар ривожланиши ва нейрон морфологиясига салбий таъсири энергетик ичимликларини ҳаддан ташқари истеъмол қиладиган болалар ва ўсмирларда нейроривожланиш бузилишларининг юқори хавфини кўрсатди (Seifert S.M. et al., 2011).

Республикамизда бош мия фаолияти патологиялари бузилиши билан боғлиқ бир қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Бош мия тузилмаларининг қон йўқотишнинг танатогенезини асослаш бўйича тадқиқотлар (Ғиёсов З.А. ва бошқ., 2012), калла мия жароҳатланишининг танатогенези аниқлаш (Искандаров А.И. ва бошқ., 2019), алкоголь интоксикацияси муҳотида ис газидан ўткир захарланиш ҳолатларида бош мия тузилмалари зарарланишининг морфологик ва морфометрик жиҳатлари (Ким А.А. ва бошқ., 2022), ўткир қон йўқотиш ва геморрагик шок натижасида ўлим пайтида бош миядага қон томирлар ва тўқималарнинг ўзгаришини суд – тиббий баҳолаш (Индиаминов С.И., 2012) каби мавзуларда изланишлар олиб борилган.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бош миянинг функционал ва органик бузилишлари билан боғлиқ касалликларни олдини олиш, ташҳислаш ва даволаш тамойилларини ишлаб чиқиш,

такомиллаштириш замонавий тиббиётнинг энг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади. Энергетик ичимликларнинг бош мия тўқимасининг ҳолатига таъсирини гистопатологик оқибатларини чуқур ўрганиш ва бунда бош мия тўқимасининг функционал ҳолатини баҳолаш, энергетик ичимликлар таъсирида асаб тизимининг морфофункционал ўзгаришлари кам ўрганилган бўлиб, долзарб муаммолигича қолмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 5436 №012400288 “Инсон учун ижтимоий аҳамиятга эга инфекция ва ноинфекцион этиологияли касалликларнинг профилактикаси, диагностикаси ва давоси учун илғор технологияларни ишлаб чиқиш” (2024–2028 йй) илмий лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади энергетик ичимликлар таъсирида бош мия тўқимасида юзага келган морфофункционал ўзгаришларни баҳолаш ҳамда коррекция қилиш мақсадида қўлланилган зайтун мойининг самарадорлигини аниқлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

энергетик ичимликлар таъсирида тажриба ҳайвонлари бош мия тўқимасидаги морфологик ва морфометрик ўзгаришлар даражасини ўрганиш ва назорат гуруҳи ҳайвонлари билан солиштирма баҳолаш;

тажриба гуруҳи ҳайвонлари бош мия тўқимасининг энергетик ичимликлар таъсирида морфологик ва функционал ўзгаришлар даражасини қонда S100 микдорини аниқлаш ва иммунгистокимёвий усуллар ёрдамида баҳолаш;

энергетик ичимликларнинг ўткир ва сурункали таъсири оқибатида бош мия тўқимасида юзага келган морфофункционал ўзгаришларни коррекциялаш мақсадида қўлланилган зайтун мойининг самарадорлигини баҳолаш;

энергетик ичимликларнинг салбий таъсири натижасида бош мия тўқимасида юзага келган морфофункционал ўзгаришлар ва оқибатларни эрта ва ўз вақтида ташҳислаш ва олдини олиш тавсияларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 148 та 3 хил ёшдаги (12, 24, 36 ҳафталик) соғлом каламушлар тажриба учун танлаб олинган.

Тадқиқот предмети сифатида каламушлар бош мия тўқимасидан олинган гистологик кесмалар ва юракдан олинган веноз қон ташкил қилди.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишида қўйилган мақсадга эришиш ва масалаларни ечиш учун морфологик, морфометрик, иммунгистокимёвий, лаборатор текшириш усулларида фойдаланилди ва статистик ишлов ўтказилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор энергетик ичимликларни ўткир ва сурункали таъсири оқибатида турли ёш диапазоли камраб олинган ҳолда (ўсмирлар, ёшлар, катта ёшли) бош мия нейронлари, цитоплазма ва ядроси ҳажми, ядронинг цитоплазмага нисбати, нейронларнинг тарқалиш зичлиги камайганлиги, қон томирлар

деворида лимфоцитар инфильтрация ўчоқлари, хужайралар ядросининг гипохромлиги каби ўзгаришлар тажриба ҳайвонларида асосланган;

илк бор замонавий иммунгистокимёвий тадқиқот усуллари ёрдамида Bcl 2 ва десмин реагентларининг экспрессия даражасини аниқлаш орқали энергетик ичимликлар таъсирида бош мия тўқималарида кузатилган ўзига хос реактив морфофункционал ўзгаришлар асосланган;

илк бор қондаги S100 оксиди даражасини аниқлаш орқали энергетик ичимликларни ўткир ва сурункали таъсири натижасида юзага келиши мумкин бўлган морфофункционал ўзгаришлар, шунингдек, бош миёда мия шикастланиши даражаси исботланган;

илк бор энергетик ичимликларнинг ўткир ва сурункали таъсири оқибатида юзага келган бош мия тўқималаридаги функционал ва морфологик ўзгаришларни коррекциялашда профилактик омил сифатида зайтун мойининг самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Замонавий патогистологик текшириш усуллари ёрдамида, энергетик ичимликларнинг таъсирида бош мия тўқимасида кузатиладиган ўзига хос тузилмавий ўзгаришлар ва уларнинг салбий оқибатларини олдини олиш тавсиялари ишлаб чиқилди.

Ушбу тадқиқот натижасида энергетик ичимликлар таъсирида, бош мия тўқимасида кузатиладиган морфофункционал ўзгаришлар ҳолатини белгиловчи морфологик, морфометрик, иммунгистокимёвий, лаборатор текширувлар мажмуи ишлаб чиқилди.

Энергетик ичимликларни узоқ муддат истеъмол қилиниши жараёнида, зайтун мойининг бош мия тўқимасини ҳимоя қилиш таъсирининг самарадорлиги баҳоланди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот ишида замонавий усул ва ёндошувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, тажриба ҳайвонлари сонининг етарлилиги, бир-бирини тўлдирувчи ва тасдиқловчи морфологик, морфометрик, иммунгистокимёвий, лаборатор текширув ва статистик-таҳлилий текширув усулларида асосланганлиги, барча рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологияларини қўллаб ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қуйидагилар билан изоҳланди. Назорат гуруҳига нисбатан тажриба гуруҳи ҳайвонларида энергетик ичимликлар таъсирида бош мия тўқимасидаги морфофункционал ўзгаришлар морфологик, морфометрик кўрсаткичларнинг, ҳамда қонда S100 оксиди даражасининг ўзгарганлиги билан асослаб берилган.

Тадқиқот натижасининг амалий аҳамияти экспериментал шароитда каламушлар бош мия тўқимасида энергетик ичимликлар таъсири натижасида

юзага келиши мумкин ўзгаришларни аниқлаш чора – тадбирлари ишлаб чиқилганлиги билан асосланади. Энергетик ичимликлар таъсирида, бош мия тўқимасида кузатиладиган морфофункционал ҳолатни белгиловчи морфологик, морфометрик, иммунгистокимёвий, лаборатор текшириш усуллари бош мия тўқимасидаги морфофункционал ўзгаришлар даражасини баҳолаш учун асос бўла олади. Узоқ муддат энергетик ичимликларни истеъмол қилиш натижасида, тажриба ҳайвонлари қонида S100 оқсили даражасининг ортиб бориши, энергетик ичимлигининг нақадар токсик таъсир этувчи кучга эга эканлигини огоҳлантирувчи омил бўлиши мумкин. Олинган натижаларга асосланиб, тавсия этилган усулларни бош миянинг функционал ва морфологик ҳолатини баҳолаш учун самарали усул деб баҳолаш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Экспериментал ҳайвонларда энергетик ичимлик бош мия тўқимасининг морфофункционал ўзгаришларнинг морфологик, лаборатор, замонавий иммунгистокимёвий текшириш усуллари солиштирма таҳлили бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: энергетик ичимликларни ўткир ва сурункали таъсири оқибатида турли ёш диапазони қамраб олинган ҳолда (ўсмирлар, ёшлар, катта ёшли) бош мия нейронлари, цитоплазма ва ядроси ҳажми, ядронинг цитоплазмага нисбати, нейронларнинг тарқалиш зичлиги камайганлиги, қон томирлар деворида лимфоцитар инфильтрация ўчоқлари, хужайралар ядросининг гипохромлиги каби ўзгаришлар тажриба ҳайвонларида асосланганлиги бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2024 йил 29-майдаги 10 - сонли илмий кенгашнинг қарори билан тасдиқланган “Энергетик ичимликлар таъсирида бош мия тўқимасининг морфофункционал реактив ўзгаришлар ва уларни ўрганиш усуллари” услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика суд тиббий экспертиза илмий амалий маркази Самарқанд филиали бўйича 07.06.2024 йилдаги 91-сон, Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази 16.07.2024 йилдаги №274-U- сон, Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси 26.07.2024 йилдаги №2570-7-107-ТВ/2024-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 25 сентябрдаги 06/67-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* энергетик ичимликларни ўткир ва сурункали таъсири оқибатида турли ёш диапазони қамраб олинган ҳолда (ўсмирлар, ёшлар, катта ёшли) бош мия тўқимасида кузатиладиган морфофункционал ўзгаришларни эрта ташхислаш ва унинг асоратлари натижасида юзага келиши мумкин бўлган касалликлар, леталлик даражаси юқори бўлган оғир касалликлар (онкологик касалликлар) ривожланишини олдини олишда профилактик чора тадбирларни ишлаб чиқишни такомиллаштиришга имкон берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* энергетик ичимликларни ўткир ва сурункали таъсири оқибатида турли ёш диапазони қамраб олинган ҳолда (ўсмирлар, ёшлар, катта ёшли) бош мия тўқимасида кузатиладиган морфофункционал ўзгаришлар туфайли ривожланадиган патологик ҳолатларни эрта ташхислаш ва унинг асоратлари натижасида юзага келиши мумкин бўлган касалликларни ривожланишини олдини олиниши даволаш самарадорлигини

оширади, натижада беморларга сарфланадиган бюджет маблағлари маълум миқдорда иқтисод қилинади.

иккинчи илмий янгилик: замонавий иммунгистокимёвий текшириш усуллари билан Bcl 2 ва Десмин реагентлари экспрессияси даражасини аниқлаш орқали энергетик ичимликларнинг таъсирида бош мия тўқимасида кузатиладиган ўзига хос реактив морфофункционал ўзгаришлар асослаб берилганлиги Республика суд тиббий экспертиза илмий амалий маркази Самарқанд филиали бўйича 07.06.2024 йилдаги 91-сон, Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази 16.07.2024 йилдаги №274-U-сон, Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси 26.07.2024 йилдаги №2570-7-107-ТВ/2024-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 25 сентябрдаги 06/67-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* бош мия тўқимасида Bcl 2 ва Десмин реагентлари экспрессияси даражасини иммунгистокимёвий усулда текшириш орқали нафақат энергетик ичимликлар таъсирида юзага келган, балки бош миянинг бошқа патологияларини, онкологик касалликларини эрта ташхислаш имконини беради. Даволаш – диагностик муассаларда бу усуллардан фойдаланиш мурожаат қилган беморларда кузатиладиган патологияларни эрта ташхислаш ва даволашни ўз вақтида бошлаш имкони яратилади. *Иқтисодий самарадорлиги:* иммунгистокимёвий текшириш усуллари билан Bcl 2 ва Десмин реагентлари экспрессияси даражасини аниқлаш орқали энергетик ичимликларнинг таъсирида бош мия тўқимасида кузатиладиган ўзига хос реактив морфофункционал ўзгаришлар туфайли ривожланадиган патологик ҳолатларнинг эрта инobatга олиниши даволаш самарадорлигини оширади, натижада беморларга сарфланадиган бюджет маблағлари маълум миқдорда иқтисод қилинади.

учинчи илмий янгилик: энергетик ичимликларнинг ўткир ва сурункали таъсири натижасида юзага келиши мумкин бўлган морфофункционал ўзгаришлар ҳамда бош мияда мия шикастланиш даражаси қонда S100 оксиленинг даражасини аниқлаш орқали исботлаб берилгани Республика суд тиббий экспертиза илмий амалий маркази Самарқанд филиали бўйича 07.06.2024 йилдаги 91-сон, Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази 16.07.2024 йилдаги №274-U-сон, Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси 26.07.2024 йилдаги №2570-7-107-ТВ/2024-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 25 сентябрдаги 06/67-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* энергетик ичимликларнинг ўткир ва сурункали таъсири натижасида юзага келиши мумкин бўлган морфофункционал ўзгаришлар ҳамда бош мияда мия шикастланиш даражаси қонда S100 оксиленинг даражасини ошиши кузатилиши исботланганлигини ҳисобга олиниши даволаниш самарасини оширишга имкон бериши билан бир қаторда ривожланиши мумкин бўлган асоратларнинг камайтириш имкониятини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* энергетик ичимликларнинг сурункали таъсири натижасида юзага келиши мумкин бўлган морфофункционал ўзгаришлар ҳамда бош мияда мия шикастланиш даражаси қонда S100 оксиленинг даражасини ошиши кузатиладиган морфофункционал ўзгаришлар туфайли ривожланадиган патологик ҳолатларнинг эрта инobatга олиниши даволаш самарадорлигини

оширади, натижада беморларга сарфланадиган бюджет маблағлари маълум миқдорда иқтисод қилинади.

тўртинчи илмий янгилик: энергетик ичимликларнинг ўткир ва сурункали таъсири оқибатида юзага келган бош мия тўқималаридаги функционал ва морфологик ўзгаришларни коррекциялашда профилактик омил сифатида зайтун мойининг самарадорлиги исботлангани Республика суд тиббий экспертиза илмий амалий маркази Самарқанд филиали бўйича 07.06.2024 йилдаги 91-сон, Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази 16.07.2024 йилдаги №274-U-сон, Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси 26.07.2024 йилдаги №2570-7-107-TV/2024-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 25 сентябрдаги 06/67-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* энергетик ичимликларни узоқ муддат ва катта миқдорда истеъмол қилиш натижасида келиб чиққан бош мия тўқималаридаги морфофункционал ўзгаришларини олдини олиш ва коррекциялашда профилактик омил сифатида зайтун мойининг қўлланилиши ривожланиш эҳтимоли юқори бўлган ҳаётга хавф туғдирувчи асоратларни олдини олиш имконини беради ва самарадорликка эришилади. *Иқтисодий самарадорлиги:* энергетик ичимликларни узоқ муддат ва катта миқдорда истеъмол қилиш натижасида келиб чиққан бош мия тўқималаридаги морфофункционал ўзгаришлар туфайли ривожланадиган патологик ҳолатнинг эрта инobatга олиниши даволаш самарадорлигини оширади, натижада беморларга сарфланадиган бюджет маблағлари маълум миқдорда иқтисод қилинади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуманларда, жумладан, 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Энергетик ичимликлар таъсирида бош мия**

тўқимасидаги морфофункционал ўзгаришлар ва уни коррекциялаш усулларига бағишланган илмий адабиётлар шарҳи» деб номланган биринчи бобида, маҳаллий ва хорижий илмий адабиётлар таҳлил қилинган. Бобнинг “Энергетик ичимликларнинг таркиби ва уларнинг алоҳида компонентларининг организмга таъсири” деб номланган биринчи бўлимида энергетик ичимликлар ҳақида умумий маълумотлар, уларнинг асосий таркибий қисмлари ва таъсир қилувчи компонентлари бўйича маълумотлар мавжуд. Энергетик ичимликларда учровчи асосий таркибий компонентларнинг одам организмига таъсир механизмларига оид адабиёт манбааларининг таҳлили келтирилган. Бобнинг “Энергетик ичимликларнинг ички аъзолар функционал ҳолатига ва морфологик тузилишига нојўя таъсирлари” номли иккинчи бўлимида энергетик ичимликларни ортиқча истеъмол қилиш одам саломатлигига, аъзоларнинг морфофункционал ҳолатига ўта салбий таъсир кўрсатиши, жумладан юрак-қон томир, марказий асаб тизими, шунингдек ошқозон-ичак тракти ва буйрақлар зарарланишига олиб келиши мумкинлиги тўғрисидаги кўплаб адабиётлар таҳлили изоҳланган. Бобнинг “Энергетик ичимликлар таъсирида бош мия тўқимасидаги морфофункционал ўзгаришлар ва уни аниқлаш” деб номланган учинчи бўлимида энергетик ичимликларнинг бош мия тўқимасининг тузилиши ва морфофункционал ҳолатига таъсирини гистопатологик оқибатларини, меъеридан ортиқ истеъмоли организмда тахикардия, психомотор кўзғалиш, асабийлик ва тушкунлик кабиларнинг сурункали тус олишига сабаб бўлиши мумкинлиги ҳақидаги адабиётлар таҳлили берилган.

Диссертациянинг «**Энергетик ичимликлар таъсирида бош мия тўқимасидаги морфофункционал ўзгаришларини ва уни коррекция қилиш усуллари**ни ўрганиш бўйича материаллар ва текшириш усуллари» деб номланган иккинчи бобида муаммонинг ечимини таъминлайдиган тадқиқот усуллари ва ёндашувлар тўлиқ тавсифланган. Белгиланган вазифаларни бажаришда тадқиқот объекти сифатида 12, 24, 36 ҳафталик эркак жинсли альбинос каламушларнинг бош мия пўстлоғи тўқимаси олинган. Тажриба ҳайвонлари уч гуруҳга бўлинган. Биринчи, яъни назорат гуруҳи ҳайвонларини 18 та эркак жинсли альбинос каламушлар ташкил қилди. Уларга 4,8,12 ҳафта давомида ҳар куни зонд орқали бир марта 7,5 мл физиологик эритма ичирилди. Иккинчи тажриба гуруҳни (1-асосий гуруҳ) 68 та тажриба ҳайвонлари ташкил қилиб, уларга 4, 8, 12 ҳафта давомида экспериментал йўл билан энергетик ичимлик таъсир қилинди. Учинчи тажриба гуруҳидаги (2-асосий гуруҳ) 62 та тажриба ҳайвонларга 4, 8, 12 ҳафта давомида энергетик ичимлик қабул қилингандан кейин, 4 ҳафта давомида зайтун мойи бериш йўли билан коррекция қилинди.

Энергетик ичимликлар таъсирида мия тўқимасида юзага келиши мумкин бўлган ўзгаришлар 148 та эркак жинсли оқ каламушда экспериментал тадқиқотда ўрганилди. Тажриба ҳайвонлари 2010 йил 22 сентябрдаги Европа Парламенти ва Европа Иттифоқи Кенгашининг илмий мақсадларда фойдаланиладиган ҳайвонларни ҳимоя қилиш бўйича 2010/EU директивасига асосан, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ҳузуридаги Этик қўмитадан лаборатория ҳайвонларида тажрибалар ўтказиш учун ёзма рухсатномаси (ЎзР ССВ қошидаги Этика қўмитасининг №2/7- 1862 – сонли баённомаси) асосида жонсизлантирилди ва улардан текширувлар ўтказиш учун тадқиқот предмети сифатида қон ва бош мия тўқимаси олинди. Олинган материалларни ўрганиш морфологик, морфометрик, иммуногистохимёвий, лаборатор текширувлар усулларидадан фойдаланишга асосланган.

Парафинли блоклардан микротомлар ёрдамида олинган кесмалар бош мия тўқимаси структуравий тузилмаларининг умумий морфологиясини ва морфометриясини ўрганиш мақсадида гематоксилин-эозин усулида бўялди. Шундай қилиб ҳар бир олинган намунага юқорида келтирилган услублар билан ишлов берилди. Бош мия тўқималарини расмга олиш учун “Leica” русумли ёруғлик микроскопи ва махсус камерадан фойдаланилди. Тажиба ҳайвонлари бош мия тўқимаси тузилмаларини морфометрик текшириш учун окуляр линейкадан ва тузилмаларнинг тарқалиш зичлигини аниқлаш учун 256 та кесишма нуқтаси мавжуд бўлган окуляр тўрдан фойдаланилди. Кўрув майдонида бош мия тўқимасидан тайёрланган препаратлардан нейронларнинг зичлигини, нейронлар цитоплазмаси, ядроси ҳажми ва ядро-цитоплазматик нисбатни ҳисоблаш учун 4x10 катталаштиришда махсус морфометрик тўрли окулярдан фойдаланилди ва олинган маълумотларга статистик ишлов берилди.

Кейинги босқичда бош мия тўқимасидаги морфофункционал ўзгаришлар белгилари биохимёвий усул ёрдамида баҳоланди. Иммунофермент анализ (ИФА) учун олинган қон намуналари 30 дақиқа давомида хона ҳароратида қолдирилди, сўнгра 15 дақиқа давомида 4000 айланиш тезликда центрифуга қилинди. Зардоб намуналари ажратиб олинган ИФА текширувигача музлатгичда -20° С да сақланди. Зардобдаги S100 оқсили лаборатор текшируви Россияда ишлаб чиқарилган махсус иммунофермент анализ учун мўлжалланган тўпламлари ёрдамида ўтказилди. Лаборатория тадқиқотлари ҳар бир экспериментал муддатнинг охириги босқичларида амалга оширилди.


Имуногистохимёвий текширувга Bond Leica Australia (Австралия) иммуногистопротектордан фойдаланган ҳолда бош мия тўқимасида Вc1 2 ва Десмин реагентлари орқали хужайралар экспрессияси ўрганилди.

Диссертациянинг «**Энергетик ичимликлар таъсирида бош мия тўқимасининг морфофункционал реактив ўзгаришлари ва уларнинг солиштирма морфометрик кўрсаткичлари**» деб номланган учинчи бобида ҳар хил ёшдаги тажиба ҳайвонларида 4, 8, 12 ҳафта давомида энергетик ичимлик таъсири оқибатида бош мия тўқимасида кузатиладиган морфофункционал реактив ўзгаришлар ўрганиб чиқилган.

12 ҳафталик 4, 8, 12 ҳафта давомида энергетик ичимликлар таъсирида бўлган асосий гуруҳ билан назорат гуруҳи каламушларининг бош мия тўқимаси структураларининг морфологик ва морфометрик кўрсаткичлари таққосланганда қуйидаги маълумотлар олинди:


Энергетик ичимлигини 4 ҳафта давомида қабул қилган каламушларнинг бош мия пўстлоғи микроскопик текширув натижаси шуни кўрсатдики, бош

мия пўстлоғининг барча қатламларида мия тўқимаси хужайралари ва тўқимавий тузилмаларининг сезиларли даражада бир текисда толаланиб шишинган ҳолдалиги аниқланди. Периваскуляр соҳалар ўртача даражада кенгайган бўлса ва перицеллюляр зоналар сезиларли даражада кенгайганлиги аниқланди (1-расм).



1-расм. 4 ҳафта давомида ЭИ қабул қилган каламушлар бош мия пўстлоғида ишонарли перицеллюляр шишиниш. Бўёқ Г-Э. Ок 10. Об 40.


Энергетик ичимлигини 8 ҳафта давомида қабул қилган каламушларнинг бош мия пўстлоғи микроскопик текширув натижаси шуни кўрсатдики, бош мия пўстлоғининг барча қатламларида хужайра ва тўқималар тузилмаларининг сезиларли даражада шишинганини кўрсатди. Тажрибанинг олдинги даврига нисбатан, яққол периваскуляр ва сезиларли даражада перицеллюляр шиш қайд этилган. Мия тўқимаси ичи капилляр деворлари тонусининг бузилиш белгилари ҳосил бўлиб (2-расм), улар нотекис спазм ва кенгайиш, шунингдек улар шаклининг ўзгаришлари билан намоён бўлди. Бундай капиллярлар биров деформацияланган ва шишинган кўринади.



2-расм. 8 ҳафта давомида ЭИ қабул қилган каламушлар бош мия пўстлоғи мия ичи капиллярлари деворининг дистонияси. Бўёқ Г-Э. Ок 10. Об 40.


12 ҳафта давомида энергетик ичирилган каламушларда бош мия пўстлоғининг хужайра ва тўқималари тузилмаларини ўрганиш давомида миянинг барча қатламларида ва барча гистотипик соҳаларида ўта жиддий ва

сезиларли даражадаги ўзгаришлар аниқланди. Бош мия пўстлоғида мия моддасининг переваскуляр ва перецеллюлар соҳаларда сезиларли даражадаги шишлар пайдо бўлгани, ҳамда айнан шу соҳаларда тўқималарнинг шикастланиши ўчоғлари яққол намоён бўлгани, бу эса бош мия тўқимасининг сезиларли дистрофияга учраганидан дарак беради (3-расм).



3-расм. 12 ҳафта давомида ЭИ қабул қилган каламушлар бош мия пўстлоғи қон томирлар деворидаги лимфоцитар инфильтрация ўчоқлари. Бўёқ Г-Э. Ок 10. Об 40.


12 ҳафталик 4, 8, 12 ҳафта давомида энергетик ичимликлар истеъмол қилган тажриба ва назорат гуруҳи каламушларнинг бош мия тўқимасининг морфометрик кўрсаткичлари таққосланганда қуйидаги ўзгаришлар кузатилди, яъни бош мия нейронлар ҳажми, ядролар ҳажми, ядронинг цитоплазмага нисбатининг, ҳамда нейронлар тарқалиш зичлигининг камайиши билан намоён бўлди (4-расм).



4-расм. 12 ҳафталик тажриба ҳайвонларида назорат гуруҳига нисбатан бош мия пўстлоғининг морфометрик кўрсаткичларининг солиштирма таҳлили


24 ҳафталик 4, 8, 12 ҳафта давомида энергетик ичимликлар қабул қилган тажриба гуруҳи ҳайвонлари ва назорат гуруҳи каламушларида бош мия

пўстлоғи нейронлари ядросининг цитоплазмага нисбати, ҳамда нейронлар тарқалиш зичлиги морфометрик кўрсаткичлари солиштирма таҳлили қуйидагича бўлди (5-расм).



5-расм. 24 ҳафталик тажриба ҳайвонларида назорат гуруҳига нисбатан бош мия пўстлоғининг морфометрик кўрсаткичлари солиштирма таҳлили

36 ҳафталик 4, 8, 12 ҳафта давомида энергетик ичимликлар қабул қилган тажриба гуруҳи ҳайвонлари ва назорат гуруҳи каламушларида бош мия пўстлоғи нейронларининг ҳажми, цитоплазма ва ядролар ҳажми, цитоплазманинг ядрога нисбати, нейронлар тарқалиш зичлиги морфометрик кўрсаткичлари солиштирма таҳлили қуйидагича бўлди (6-расм).



6-расм. 36 ҳафталик тажриба ҳайвонларида назорат гуруҳига нисбатан бош мия пўстлоғининг морфометрик кўрсаткичлари таҳлили

Демак, 36 ҳафталик каламушларнинг қисқа, ўрта ва узоқ муддат давомида ЭИ қабул қилган тажриба ҳайвонларида шу ёшдаги назорат гуруҳига нисбатан таққосланганда нейронлар ҳажми, цитоплазма ҳажми, ядро ҳажми,

ядронинг цитоплазмага нисбати, ҳамда нейронларнинг тарқалиш зичлиги камайганлиги аниқланди.

Гистологик тадқиқотлар билан бир қаторда, қондаги S100 оқсилнинг даражасини аниқлаш мақсадида биокимёвий таҳлиллар ҳам ўтказилди. Иммунофермент таҳлилда S100 оқсилни аниқлаш учун қон зардобини тайёрлаб, улар махсус иммунофермент таҳлил учун мўлжалланган тўпламлар ёрдамида ўтказилди (1-жадвал).

1- жадвал

Назорат ва тажриба гуруҳи каламушларида S100 оқсил кўрсаткичининг (нг/млда) солиштирма таҳлили

Тажриба ҳайвонларининг ёши	Назорат гуруҳи	Тажриба гуруҳи (ЭИ истеъмол қилиш муддати)		
		4 ҳафта	8 ҳафта	12 ҳафта
12 ҳафталик каламушлар	47,81	625,83	719,71	1204,57
24 ҳафталик каламушлар	31,333	583,16	565,33	1958,57
36 ҳафталик каламушлар	22,793	327,69	833,12	1603,57


Хулоса қилиб айтганда, энергетик ичимликларни меъёрдан кўп истеъмол қилиш мумкин эмас. Энергетик ичимликларни сурункали истеъмол қилиниши, марказий нерв тизимида салбий таъсирларга олиб келиши мумкин. Тажрибада, яъни лаборатор текширувларда, қонда S100 оқсил кўрсаткичи текширилганда, мунтазам энергетик ичимликларни истеъмол қилиниши натижасида S100 оқсил кўрсаткичининг ошиши кузатилди. Бу эса кейинчалик онкологик ва сурункали неврологик касалликлар ривожланиши мумкинлигидан дарак беради.

Экспериментал каламушлар бош мия тўқимасидаги энергетик ичимлик таъсиридаги патоморфологик ўзгаришларни иммуногистохимёвий усулда текшириш учун Bcl 2 ва Десмин антигенларидан фойдаланилди. 9 ойлик узок муддат энергетик ичимликлар қабул қилган каламушларнинг бош мияси патоморфологик ўзгаришлари буйича иммуногистохимёвий усулда Bcl 2 реагенти орқали олинган натижалар каламушларнинг 30% да паст позитив реакция ва 70% каламушларда ўрта позитив реакция жараёнини кўрсатди. Негатив ва юқори позитив реакция кузатилмади (7-расм).



7-расм. 36 ҳафталик узоқ муддат ЭИ истеъмол қилган каламушлар бош мия тўқимасининг Вел 2 реагентига ўрта позитив реакцияси. Бўёқ: ИГХ Дав хромоген. Об 10x ок40.

Узоқ муддат энергетик қабул қилган 9 ойлик тажриба ҳайвонларининг бош мия тўқимаси патоморфологик ўзгаришлар ҳам иммуногистохимёвий жиҳатдан Десмин реагенти орқали баҳоланганда 100% позитив реакция кўринишга эга бўлди. Микроскоп остида бир кўрув майдонида олдинги гуруҳ ҳайвонларига нисбатан зиёд бўлган 20-25 та қон томирлар, эндотелий қаватининг фиброзланиши кузатилиб, бу қон томирлар тўқ жигарранг рангга бўялгани аниқланди (8-расм).




8-расм. Узоқ муддат энергетик ичимлик истеъмол қилган 36 ҳафталик тажриба ҳайвонлари бош мия тўқимасининг Десмин реагентга позитив реакцияси

Диссертациянинг «Энергетик ичимликлар таъсирида бош мия тўқимасининг морфофункционал ўзгаришлар коррекцияси натижалари» деб номланган тўртинчи бобида тадқиқотда иштирок этган 2-асосий гуруҳ каламушларига ЭИ истеъмол қилиш натижасида келиб чиққан ўзгаришларни коррекциялаш мақсадида зайтун мойи берилиши натижасида олинган кутилган натижалар келтирилган. Морфологик реактив ўзгаришларнинг ижобий томонга ўзгариши 3 та ёшдаги ҳайвонларда ҳам кузатилди. Жумладан, 3, 6, ва 9 ойлик ёшдаги ҳар хил муддат давомида ЭИ истеъмол қилган ва кейин зайтун мойи билан коррекция қилинган тажриба ҳайвонларида 1-асосий гуруҳга нисбатан бош мия тўқимаси структуралари морфометрик


кўрсаткичларининг ўзгариши учала ёш бўйича таққосланганда қуйидаги маълумотлар олинди:

